

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГУМАРОВА АЛИЯ АНВАРБЕКОВНА

**КЎКРАК САРАТОНИ ТУМОРОГЕНЕЗИДА
ГИПЕРПРОЛАКТИНЕМИЯНИНГ ЎРНИ: КЛИНИКО-ГЕНЕТИК,
ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гумарова Алия Анварбековна

Кўкрак саратони туморогенезида гиперпролактинемиянинг ўрни:
клинико-генетик, иммуногистокимёвий жиҳатлари..... 3

Гумарова Алия Анварбековна

Роль гиперпролактинемии в туморогенезе рака молочной железы:
клинико-генетические и иммуногистохимические аспекты..... 27

Gumarova Aliya Anvarbekovna

The role of hyperprolactinemia in the tumorigenesis of breast cancer:
clinical, genetic and immunohistochemical aspects..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГУМАРОВА АЛИЯ АНВАРБЕКОВНА

**КЎКРАК САРАТОНИ ТУМОРОГЕНЕЗИДА
ГИПЕРПРОЛАКТИНЕМИЯНИНГ ЎРНИ: КЛИНИКО-ГЕНЕТИК,
ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021/1/PhD/Tib1630 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.endomarkaz.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халимова Замира Юсуфовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Наджмутдинова Дилором Камариддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ходжаев Абдувахид Валиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: info@endomarkaz.uz)

Диссертация билан Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.Ф. Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

У.А. Мирсаидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.б.ф.д.(PhD)

Х.К. Насирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сўнгги йилларда онкологик касалликлар орасида кўкрак саратонига чалинганлар сонининг тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Саратон дунёдаги ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, 2020 йилда деярли 10 миллион одамнинг ўлимига олиб келган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «... 2022 йилда тахминан 20 миллион янги аниқланган саратон касаллиги ва 9,7 миллион саратон касаллиги билан боғлиқ ўлим ҳолатлари қайд этилган...»¹. Пролактин сут ривожланишида асосий роль ўйнайди, унинг кўкрак беши саратони ривожланишидаги роли таъкидланган. Пролактиннинг юқори даражаси кўкрак беши саратони хавфининг ошиши ва унинг ёмон оқибати билан боғлиқлиги муҳокама қилинади. Оддий кўкрак беши эпителий хужайраларидан ташқари, пролактин ёмон сифатли кўкрак беши эпителий хужайралари томонидан ҳам ишлаб чиқарилади, бу эса ўсма ўсишини тезлаштиради. Постменопазал ER+/PR+ кўкрак беши саратони хавфини оширишида плазмадаги пролактиннинг даражасини урнини аниқлаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда 20 йиллик истиқболли тадқиқотда пременопазал аёлларда 2000 дан ортиқ кўкрак беши саратони ҳолатлари баҳоланган ва бу ER+ кўкрак беши саратони учун лимфа тугунлари шикастланиши билан бирга энг муҳим хавф бўлган. Ушбу тадқиқотлар гормон ўрнини босувчи терапиясини олган постменопазал аёлларда зардобдаги пролактин юқори даражаси ва инвазив кўкрак беши саратони ўртасида сезиларли боғлиқликни кўрсатган 2250 аёл EPIC Европа когорт тадқиқоти томонидан қўллаб-қувватланган. Альфа-мусбат эстроген рецепторлари (ER α +) Stat1^{-/-} спонтан кўкрак беши ўсмаларининг бутун геном кетма-кетлиги mPRLr мутациясининг иссиқ нуқтасини аниқлади, натижада C-учи қисқартирилган mPRLr мутантлари (mPRLrT; 100% ҳолларда аниқланган) кетма-кет бирламчи ўсмалар ва 0% қўшни меъерий намуналарга олиб келди. Барча mPRLrT мутациялари аллел даражасида гетерозиготали бўлиб, mPRLrTнинг узоқ mPRLr билан биргаликда ифодаланиши онкогенездаги урнини белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида турли саратон касалликлари

¹ <http://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/cancer>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усуллари ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5590-сон қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Эндокринология хизмати кўламини такомиллаштириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 январдаги ПҚ-102-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўкрак беши саратони – бу кўкрак беши тўқималарининг эпителийсидан келиб чиқадиган хавфли ўсма. Ушбу патологиянинг ривожланиши учун қуйидаги омиллар мойил хавфлар сифатида кўриб чиқилади: гиперпролактинемия, ҳайз даврининг эрта ёши, менопаузанинг кеч ёши, туғмаслик, аборт, тамаки чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, қандли диабет, ортиқча тана вазни ёки тана массаси индексининг ошиши, жисмоний фаоллик етишмовчлиги ва бошқалар. Гиперпролактинемия қон зардобидаги пролактиннинг доимий ортиқча миқдори бўлиб, у репродуктив тизимнинг дисфункциясида ёрқин намоён бўлади.

Пролактин секрецияси мураккаб нейроэндокрин назорат остида бўлиб, унда турли хил омиллар иштирок этади: нейротрансмиттерлар, периферик эндокрин безлар гормонлари. Пролактин асосан гипофиз хужайралари – лактотрофлар томонидан ишлаб чиқарилади. Гипоталамусда ишлаб чиқарилган ва гипофизга портал қон айланиш гипоталамус-гипофиз йўли орқали кирадиган допамин лактотрофларнинг D2 рецепторлари билан боғланиш орқали пролактин секрециясини бўғиб қўяди. Пролактин инсон танасида биологик кенг таъсир доирасига эга бўлиб, лактацияни бошлаш ва сақлашда, сариқ тананинг ишлашида, прогестерон ишлаб чиқаришда иштирок этадиган кўп функционал гормондир. 60% ҳолларда лактациядан ташқари гиперпролактинемия лактотрофик аденомалар (пролактиномалар) туфайли юзага келади, бу барча гипофиз аденомаларининг тахминан 40% ни ташкил қилади.

Муаллифларнинг тадқиқотлари (С.С. Творогер, А.Х. Элиассен, С.Е. Хэнкинсон, 2013) пролактиннинг кўкрак беши саратони этиологиясида, айниқса постменопаузал аёлларда иштирок этиши ҳақида қўшимча далиллар

келтирилган. Айланиб юривчи пролактиннинг юқори даражаси кўкрак беи саратони хавфининг ошиши билан боғлиқ. Проллактинни пролактин рецепторлари (PRLR) билан боғлаш STAT5 транскрипция омилини фаоллаштириши мумкин (Cassandra A Hathaway, Megan S Rice, 2023). Шунн таъкидлаш керакки, муаллифлар (Minghao Wang, Xiujuan Wu, Fan Chai, Yi Zhang & Jun Jiang, 2016) плазмадаги пролактин даражаси ва кўкрак беи саратони хавфи ўртасида сезиларли ижобий боғлиқликни аниқладилар, бу боғланишнинг асосий механизмлари жуда қийин бўлиб қолмоқда. Кўплаб тадқиқотлар плазмадаги пролактин даражаси ва бирламчи ҳамда инвазив ўсмаларда кўкрак беи саратони хавфи ўртасида ижобий боғлиқликни аниқлади. Адабиётдаги далиллар шунн кўрсатадики, пролактин хужайра пролиферациясини қўзғатиш ва апоптозни бўғиб қўйиш орқали кўкрак беи саратонини ривожланишида ажралмас роль ўйнайди (Jacobson, E. M., Hugo, E. R., Borcharding, D. C. & Ben-Jonathan, 2011). Бундан ташқари, пролактин ангиогенез ва хужайра миграциясини кучайтиради, бу эса саратон метастазларига сезиларли хисса қўшиши мумкин. Дарҳақиқат, плазмадаги пролактин даражасининг ошиши кўпинча саратон касаллиги ривожланган ҳамда кечки босқичдаги беморларда учрайди.

Шунн таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар ушбу патология бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, кўкрак саратонини даволаш масаласи мураккаблигича қолмоқда. Замонавий даволаш усуллари беморлар ва шифокорларни тўлиқ қониқтирмайди. Касаллик асосан аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшда кўп учраши, касалликнинг этиопатогенетик механизмлари тўлиқ ўрганилмаганлиги ҳамда самарали даволаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунн ҳисобга олган ҳолда, гиперпролактинемиянинг кўкрак беи саратони клиник, гистологик, иммуногистокимёвий ва морфологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш, касаллик ривожланишини прогнозлаш ва даволаш профилактик чоралари ҳамда комплекс ва индивидуаллаштирилган даволаш усулларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий Эндокринология тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ПЗ-2020042188 “Гипофиз гормонларининг фаол шаклланишининг юрак-қон томир асоратларини эрта ташҳислаш ва башорат қилишнинг янги технологик усулларини ишлаб чиқиш” (2021-2023 й.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўкрак саратони туморогенезида гиперпролактинемиянинг ўрни, клиннко-генетик, иммуногистокимёвий жихатларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўкрак беги саратони билан боғлиқ гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда клиник ва гормонал кўрсаткичларни тавсифлаш;

пролактин даражасига қараб аёлларда кўкрак беги саратонининг гистологик ва молекуляр субтипларини таҳлил қилиш;

пролактин даражасини ҳисобга олган ҳолда кўкрак беги тўқималари рецепторлари ҳолатининг иммуногистокимёвий тавсифини баҳолаш;

кўкрак беги саратони билан боғлиқ гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда PRLR ген-пролактин полиморфизмини аниқлаш;

гормонал, генетик ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда кўкрак беги саратони билан боғлиқ гиперпролактинемия билан оғриган беморларни бошқаришни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали маммология бўлимларида, шунингдек академик Ё.Х. Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида амбулатор ва стационар даволанишда бўлган гиперпролактинемия билан боғлиқ бўлган 100 нафар 2 гуруҳга бўлинган, яъни, I-асосий - кўкрак беги саратони билан боғлиқ гиперпролактинемия билан оғриган 70 аёл ва II таққослаш гуруҳи 30 кўкрак беги саратони билан боғлиқ нормопролактинемия билан оғриган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-гормонал, инструментал, гистологик, иммуногистокимёвий текширувлар маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда генетик, радиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагидан иборат:

гиперпролактинемия ва пролактинемия шакллантиришда PRL ва PRLR генининг полиморфизмлари (rs147265072) роли юқори эканлиги исботланган;

гиперпролактинемия мавжудлиги билан гистологик типларнинг юқори частотаси (инвазив канал, аденокарцинома, медуллар саратони) ва кўкрак саратонининг молекуляр пастки турлари (уч марта -салбий, люминал бўлмаган HER/neu) ўртасидаги бевосита боғлиқлик исботланган;

пролактинемия беморларда PRLR генининг rs 147265072 полиморфизми ва гиперпролактинемиянинг ўсма бўлмаган шакллари бўлган PRL генининг rs849872 полиморфизми юқори даражада эканлиги исботланган;

Кўкрак беги саратони оқибатини ёмонлаштирадиган касаллик инвазив шакллари учраш даражасининг ошишида, HER/neu (67,27%), Ki 67 (52,7%)да гиперпролактинемия аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

гиперпролактинемиянинг роли тўғрисида, яъни клиник симптомларнинг сезиларсизлиги, яққол масталгия билан биргаликдаги камроқ намоён анъанавий кўринишлар (кўкрак безлари ва сўрғичнинг шишиши, апельсин пўсти, қизариш) аниқланган;

ушбу тадқиқот биринчи марта пролактин таърифини барча кўкрак беги саратони билан оғриган беморларига ташҳисот стандартларига киритиш зарурлигини исботланган;

кўкрак беzi саратони ва гиперпролактинемия билан аёлларда допамин агонистлари (Каберголин) билан патогенетик даволаш ташхисот ва даволаш стандартларига ва беморларнинг аҳолини назорат қилишни кучайтиришга мувофиқ эканлиги аниқланган

базал пролактин даражасини кузатиш муҳимлиги кўкрак беzi саратонининг тажовузли шакллари бўлган барча беморларда (гистологик-апокрин карцинома, инвазив-оқимли саратони, аденокарцинома, лобуляр саратон, тубуляр карцинома, коллоид саратон, медуляр саратон ва уч марта ВА салбий молекуляр субтиплари, Люминал бўлмаган HER/neu+ ва люминал HER/neu+) кераклиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив клиник ва лаборатор-асбобий текширув усуллари натижалари билан; беморларнинг етарли сони, олинган натижаларнинг аниқлиги, статистик тадқиқот усуллари ва хулосалар халқаро ва минтақавий тадқиқотларнинг қиёсий тажрибасига асосланганлиги, хулосалар ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти PRL ва PRLR генларининг полиморфизмлари (rs849872 и rs147265072) гиперпролактинемия ва пролактинома ривожланишида муҳим роль ўйнаши, биринчи марта гиперпролактинемия мавжудлиги билан салбий гистологик турларнинг (инвазив-оқимли, аденокарцинома, медуляр саратон) ва кўкрак беzi саратонининг молекуляр кичик турларининг (уч марта салбий, люминал бўлмаган HER/neu) юқори частотаси ўртасидаги яқин боғлиқлик мавжудлигининг тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биринчи марта кўкрак беzi саратони билан оғриган барча беморларга пролактинни аниқлаш тавсия этилганлиги, шунингдек ташхисот ва даволаш стандартларига мувофиқ допамин (Каберголин) агонистлари билан патогенетик даволаш зарурлиги (ЎзР Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 29 сентябрдаги 270-сон буйруғи), беморларнинг ҳолатини назорат қилишни кучайтириш, кўкрак беzi саратонининг тажовузкор шакллари бўлган барча беморларда базал пролактин даражасини назорат қилиш зарурияти аниқланганлиги (гистологик-апокрин карцинома, инвазив-протокол саратони, аденокарцинома, лобуляр саратон, тубуляр карцинома, коллоид саратон, медуляр саратон ва молекуляр субтиплар каби уч марта салбий, люминал бўлмаган HER/neu+ ва люминал В HER/neu+) билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўкрак беzi саратони ва гиперпролактинемия билан оғриган беморларни ўз вақтида ташхислаш натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: гиперпролактинемия ва пролактиномани шакллантиришда PRL ва PRLR генининг полиморфизмлари (rs147265072) роли юқори эканлиги исботланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Гиперпролактинемия симптомларининг яққол намоён бўлиши кўкрак беzi саратонининг асосий клиник белгиларининг сезилмаслигига олиб келиб унинг

кеч аниқланишига сабаб бўлади. Гиперпролактинемия онкоген функцияларни бажариб люминал В HER2- салбий ва люминал А билан ўсмани бостурувчи роль ўйнаши мумкин. Кўкрак беги саратонини ташхислаш, башорат қилиш ва даволашда пролактин даражасидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Академик Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах вилоят филиалининг 2023 йил 15 июлдаги 97-сонли буйруғи ва Самарқанд вилоят филиалининг 2023 йил 1 июлдаги 32-У-сонли буйруғи орқали амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Қон зардобиди пролактин даражасини текшириш, гиперпролактинемиянинг кузатилиши кўкрак беги саратонини дифференциал ташхислаш ва эрта босқичларида аниқлашга ёрдам беради. Бу эса кўкрак беги саратонининг эрта босқичларида даволаш, оғир шаклларини олдини олиш ва беморлар умр кўриш давомийлигини узайтиришга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Беморларда гиперпролактинемиянинг аниқланиши кўкрак беги саратонини эрта ташхислашга ёрдам беради ва дифференциал ташхислаш учун зарур бўлган ортиқча лаборатор маркерлар, асбобий текширувлар ҳамда тор мутахассислар кўриклари учун керак бўладиган сарф-харажатларни иқтисод қилишга олиб келади. *Хулоса:* Гиперпролактинемиянинг кўкрак беги саратонига шубҳа бўлган беморларда текшириш ўз навбатида касалликни эрта босқичларда аниқлашга ёрдам беради ва бу орқали 1 нафар бемор ҳисобига бир мартаба кўриқдан ўтиш давомида маблағнинг ўртача 480.000 сўмини тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: гиперпролактинемия мавжудлиги билан гистологик типларнинг юқори частотаси (инвазив канал, аденокарцинома, медулар саратони) ва кўкрак саратонининг молекуляр пастки турлари (уч марта -салбий, люминал бўлмаган HER/neu) ўртасидаги бевосита боғлиқлик исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Гиперпролактинемия ривожланган пролактиномали аёлларда PRLR генининг rs 147265072 полиморфизми AA генотиби учраши ва гиперпролактинемиянинг ўсмасиз шаклида PRL генининг rs 849872 полиморфизми AG генотиплари устунлик қилиши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Академик Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах вилоят филиалининг 2023 йил 15 июлдаги 97-сонли буйруғи ва Самарқанд вилоят филиалининг 2023 йил 1 июлдаги 32-У-сонли буйруғи орқали амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: текширув натижалари гиперпролактинемиянинг ўсмали ва ўсмасиз шакллари билан оғриган беморлар орасида PRL ва PRLR генининг полиморфизмларини аниқлаш касалликни авжланиши ва асоратларини олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат:

Кўкрак беги саратонига шубҳа бўлган беморларда PRL ва PRLR генининг полиморфизмларини ўз вақтида аниқлаш орқали қуйидаги иқтисодий самарага эришиш мумкин. Агар битта беморга бир кун касалхонада даволаниш ўртача

ҳисоблаганда 450000 сўм бўлса, ўн кунга 4500000 сўмни, бир йилда 3 марта даволанса ушбу харажат 13500000 сўмни ташкил этади. Ўз вақтида олиб борилган монанд ташҳислаш ва даволаш ишлари ҳар бир бемор ҳисобига 4500000 дан 9000000 сўмгача пул маблағларини тежаш имконини беради. *Хулоса:* Кўкрак беши саратонига бўлган беморларда PRL ва PRLR генининг полиморфизмларини аниқлаш касалликни авжланишини ва асоратланишини олдини олиш, беморларнинг касалхонага қайта ётишлари сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали иқтисодий самара беради.

учинчи илмий янгилик: пролактиномали беморларда PRLR генининг rs 147265072 полиморфизми ва гиперпролактинемиянинг ўсма бўлмаган шакллари бўлган PRL генининг rs849872 полиморфизми юқори даражада эканлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Кўкрак беши саратони мавжуд беморларда гиперпролактинемия билан салбий гистологик ва молекуляр субтипларнинг юқори ишончли даражада мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланиши, асосий касалликни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Академик Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах вилоят филиалининг 2023 йил 15 июлдаги 97-сонли буйруғи ва Самарқанд вилоят филиалининг 2023 йил 1 июлдаги 32-У-сонли буйруғи орқали амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: кўкрак беши саратони мавжуд беморларда гиперпролактинемия билан салбий гистологик ва молекуляр субтипларнинг корреляцион боғлиқликларини ўрганиш асосий касалликни авжланиши ва асоратланиш даражасини баҳолаш, бемор ҳаётига хавф солувчи асоратларни, жумладан хавфли метастазлар, аденокарциномаларнинг олдини олиш, даволаш стратегиясини тўғри танлаш имконини беради. Ушбу чора тадбирларни амалга ошириш уларнинг ҳаёт сифати ҳамда умр кўриш давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: текширув натижалари кўкрак беши саратони мавжуд беморларда гиперпролактинемия билан салбий гистологик ва молекуляр субтипларнинг корреляцион боғлиқликларини ўрганиш ҳамда даволашни мувофиқлаштириш асосий касалликни авжланишини олдини олади ва ногиронликни камайтириб беморларнинг ўртача умр давомийлигини ошириш имконини беради. Усулнинг самарадорлиги бир бемор учун куйидагича ҳисобланди: $Эвр = (D1 - D2) \times (G + E) \times 1 - 0.15 \times K$. Бунда D1- усул тадбиқ этилгунга қадар беморнинг ушбу ҳасталик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ўртача сони; D2- усул тадбиқ этилгандан сўнг беморнинг ушбу ҳасталик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ўртача сони; G – бир ишчининг кунлик даромади; E – меҳнатга лаёқатсизлик бўйича бериладиган маблағ, сум/кун; 0.15– самарадорлининг меъёрий коэффиценти; K- ушбу усулни амалиётга тадбиқ этилишида кутилаётган маблағ сарфи. Бир бемор учун ҳисобланганда $Эвр = (15 - 10) \times (200000 + 60000) \times 1 - 0.15 \times 500000 = 1\,225\,000$ сўмни тежаш имконини беради. *Хулоса:* Кўкрак беши саратонининг салбий гистологик ва молекуляр субтиплари билан гиперпролактинемия

орасида боғлиқликни аниқлаш касалликни ташхислаш ва даволашни енгиллаштириш орқали бир бемор учун 1 225 000 сўмни тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: Кўкрак беzi саратони оқибатини ёмонлаштирадиган касаллик инвазив шакллари учраш даражасининг ошишида, HER/neu (67,27%), Ki 67 (52,7%)да гиперпролактинемия аҳамияти асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Илк маротаба PRL ва PRLR генларининг полиморфизмлари (rs 849872 ва rs 147265072) ва кўкрак беzi саратонининг салбий гистологик турлари (инвазив-оқимли, аденокарсинома, медуляр саратон) ҳамда унинг молекуляр кичик турлари (уч маротаба салбий, люминал бўлмаган HER/neu) ўртасида ишончли боғлиқлик мавжудлиги тасдиқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Академик Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах вилоят филиалининг 2023 йил 15 июлдаги 97-сонли буйруғи ва Самарқанд вилоят филиалининг 2023 йил 1 июлдаги 32-У-сонли буйруғи орқали амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: PRL ва PRLR генларининг полиморфизмлари ва кўкрак беzi саратонининг салбий гистологик турлари ҳамда молекуляр кичик турлари ўртасида ишончли боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш асосий касалликни авжланишини олдини олган, тўсатдан ўлим ва ногиронликни камайтириб беморларнинг ўртача умр давомийлигини оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: беморларда PRL ва PRLR генларининг полиморфизмлари ва кўкрак беzi саратонининг салбий гистологик турлари ҳамда молекуляр кичик турлари ўртасида боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш ва даво муолажаларини оптималлаштириш орқали ҳар бир бемор учун ўрта ҳисобда 700.000 сўм миқдорида маблағ тежалади. Шунингдек, беморларнинг шифохонага қайта ётишлар сони камайганлиги сабабли ҳар бир бемордан йил давомида қўшимча 4.400.000 сўм миқдорда пул маблағлари тежаб қилинади. *Хулоса:* Кўкрак беzi саратони аниқланган беморларда генлар полиморфизмини, клинко-генетик, иммуногистокимёвий жиҳатлари ўрганиш натижасига кўра даво муолажаларини оптималлаштириш касалликни даволаш учун кетадиган маблағ ва вақт тежаш имконини беради. Бу маблағ бир бемор учун ўрта ҳисобда 4 млн 400 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, улардан 3 таси халқаро, 3 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси ҳорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 98 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асосланган, ўрганиш объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш бўйича маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўкрак беzi саратонининг замонавий молекуляр генетик, иммуногистокимёвий жиҳатлари ва кўкрак беzi саратони ривожланишида гиперпролактинемиянинг роли (адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи бобида адабиётлардаги ушбу муаммога бағишланган маълумотлар кўриб чиқилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Ушбу патологиянинг этиологик ва патогенетик жиҳатлари акс эттирилган, гиперпролактинемия шароитида кўкрак беzi саратони (КБС) ривожланиш механизмлари тавсифланган. ER, PR, HER-2 ва Ki-67 рецепторлари экспрессиясини аниқлаш билан биргаликда гистологик, клиник-гормонал, иммуногистокимёвий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган, бунда гиперпролактинемия ва пролактиномаларнинг шаклланишига таъсир қилувчи PRL и PRLR генларининг rs849872 ва rs147265072 каби генетик маркерлари аниқланган.

Диссертациянинг **“Клиник материалларнинг хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган аёлларнинг умумий тавсифи берилган. Тадқиқотга 2020 йилдан 2022 йилгача Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали (РИОРИАТМТШФ) маммология бўлимларида, шунингдек академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида (РИЭИАТМ) амбулатор ва стационар даволанишда бўлган гиперпролактинемия билан боғлиқ бўлган 100 нафар КБС билан беморлар киритилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: I-асосий - гиперпролактинемия билан оғриган 70 аёл, КБС билан боғлиқ ва II таққослаш гуруҳи - нормопрлактинемия билан КБС билан оғриган 30 бемор. Барча беморларда ўсимта тўқималарида ER, PR, HER-2 и Ki-67 рецепторларининг экспрессиясини аниқлаш билан гистологик ҳолат, шунингдек иммуногистокимёвий (ИГК) текширувлар ўрганилган. 1-жадвалда беморларни ушбу тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари келтирилган.

Тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари

	Тадқиқотга киритиш мезонлари	Тадқиқотдан чиқариш мезонлари
1.	2 марта аниқланганда пролактин даражаси 23,3 нг/мл дан юқори	Биргаликда эндокрин касалликларнинг мавжудлиги: гипотиреоз, тиреотоксикоз, 1- ва 2-тур диабет.
2.	Тасдиқланган кўкрак беzi саратони мавжудлиги.	Тадқиқот бошланишидан камида 2 йил олдин овқатланишни тўхтатиш.
3.	19 ёшдан катта ва 65 ёшдан ёшлар	III даража сурункали буйрак касаллиги, жигар циррози
4.		Тадқиқот бошланишидан бир ой олдин дори воситаларни (дофамин агонистлари, психотроп-фенотиазидлар, бутирофенонлар, имипрамин и бошқалар, гипотензив-метилдопа ва бошқалар, қусишга қарши- метилклопрамид, сульпиридин ва бошқалар, антигистамин- циметидин, меклозин, шунингдек кальций каналлари блокаторлари - верапамил) қабул қилиш.

Диссертация ишининг мақсади билан белгиланадиган муаммоларни ҳал қилиш учун комплекс ташхисот усулларидан фойдаланилган. Барча беморлар клиник текширувлардан, сўраб суриштириш (менархе даври, циклнинг мунтазамлиги, КОКни қабул қилиш, туғилиш ва ҳомиладорлик тенглиги, эмизиш, менопаузанинг ёши ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда), физик текширувдан ва клиник кўринишлардан ўтказилган. Лактация ва ҳосила мавжудлиги учун сут безларини пальпация қилиш, шунингдек сўрғичлар ва ареолаларнинг ҳолатидаги ўзгаришлар, қалинлашиши ёки дағаллашиш, сўрғич секретиясининг мавжудлиги ёки йўқлиги, уларнинг табиати инобатга олинган. Тасвирлаш усуллари қуйидагиларни ўз ичига олган: сут безларини ультратовуш ташхисоти, маммография ва бутун танани магнит-резонанс томографияси (гипофиз аденомаси ва ўсмаларни аниқлаш ва метастазларнинг мавжудлиги). Шикоятларни йиғишда, анамнезда ва объектив текширув пайтида касалликнинг дастлабки шакллари клиник белгиларининг пайдо бўлишига эътибор берилган, масалан, кўкрак беzi тўқималарида ўсма тугунининг мавжудлиги, ўсманинг зич консистенцияси, ҳаракатчанликнинг чекланганлиги ёки унинг тўлиқ йўқлиги, ўсимта томонида битта зич ҳаракатланувчи лимфа тугунининг мавжудлиги, сўрғичдан қонсимон ажралма келиши ва бошқалар. Барча беморлар иммуногистокимёвий (ER, PR, HER-2 и Ki-67 рецепторлари экспрессиясини аниқлаш билан (IPSUM pathology, Ботиралиева Гулрух Камилжановна бошчилигидаги РИЭИАТМ базасида)) ўсманинг биологик хусусиятлари, КБСнинг патоморфологик босқичи, терапевтик патоморфоз даражаси биопсия материални патологоанатомик текширувдан ўтказилган (трепанобиопсияси, шунингдек, аспирацион ва инцизион кўкрак беzi биопсияси).

КБС билан оғриган беморларнинг гормонал ҳолатини, шунингдек пролактиннинг ушбу касаллик ривожланишидаги ролини ўрганиш учун барча беморларда гормонлар спектри ўрганилган (ИХЛА усули билан пролактин, эстрадиол (Е2), лутеинловчи гормони (ЛГ), фолликулани рағбатлантирувчи гормон (ФРГ), прогестерон, тестостерон, қалқонсимон безни рағбатлантирувчи гормон, эркин тироксин даражасини аниқланган). Беморларда гормонал тадқиқотлар иммунохемилюминисцент усули (ИХЛА) билан лаборатория мудирини т.ф.н. С.Х. Саидова раҳбарлигида Академик Ё.Х. Тўракулов номидаги РИЭИАТМ лабораториясида ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш учун барча 100 беморнинг кўрсаткичлари EXCEL электрон жадваллари асосида яратилган “маълумотлар базаси” га киритилган. Олинган натижалар IBM SPSS Statistics (асосий компонентлар таҳлили) стандарт пакетлари билан қайта ишланган. Кузатилган ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқ бўлмаган чизиқли бирикмаларини ҳосил қилиш учун омилларни ажратиш усулидан фойдаланилган (varimax айланиши ёрдамида асосий компонентларни кайзерни меъёрлаштириш билан таҳлил қилиш).

Молекуляр-генетик тадқиқот усуллари (М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Республикаси миллий университети қошидаги биокимё ва биофизика институти), Геномика лабораторияси мудирини т.ф.н. А.А. Абдурахимова раҳбарлигида) бир неча босқичда ўтказилган:

1) веноз қон лейкоцитларидан ДНКни ажратиш

2) полимераза занжири реакцияси (ПЗР) усули билан пролактин рецепторлари генининг полиморфик вариантларини аниқлаш, эриш эгри чизиқларини таҳлил қилиш билан аниқ вақтда натижаларни аниқлаш.

Кўкрак безларининг ультратовуш текшируви (УТТ) кўкрак касалликларини ташхислаш соҳасидаги шубҳасиз муҳим текширув бўлиб, мунтазам текширувлар учун ҳам, мойил белгилар мавжуд бўлганда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш учун ҳам хавфсиз ва юқори аниқликдаги усулдир. Бу нафақат яхши сифатли дисплазия белгиларини аниқлашда, балки КБСни аниқлашда ҳам юқори самарали бўлиб қолмоқда. Тадқиқотда аъзоларнинг ультратовуш текшируви поликлиникадаги барча беморлар, РИОРИАТМТШФ ультратовуш хонасида (шифокор: Г.Х. Джамалдинова томонидан) амалга оширилган.

Маммография - бу эрта босқичларда юзага келиши мумкин бўлган аномалияларни аниқлаш учун самарали скрининг воситаси бўлиб, муваффақиятли даволаниш имкониятини сезиларли даражада оширади. Тадқиқотда маммографик текширув РИОРИАТМТШФ (шифокор: С.Д. Муфти-Заде) базасида ўтказилган.

Магнит-резонанс томография (МРТ) ядро магнит-резонанс ҳодисасидан фойдаланган ҳолда юмшоқ тўқималар ҳосилаларини аниқлашнинг илғор усули ҳисобланади. Ушбу усул метастазларни – бирламчи ўсмадан бошқа аъзолар ёки тўқималарга тарқаладиган саратон ҳужайраларининг узок жойларини аниқлашга имкон беради. Ушбу усул ёрдамида ўпка, жигар, суяклар, мия ва бошқалар каби турли органларда метастазларни аниқлаш

мумкин, бу касалликнинг табиати ва динамикаси ҳақида маълумот беради, шунингдек жарроҳлик аралашувлар, кимётерапия, радиация терапияси ва бошқа даволаш усуллари режалаштиришда ёрдам беради.

Иммуногистохимёвий (ИГК) таҳлил антиген - антитана иммун реакциясига асосланган гистологик текширувнинг ўзига хос туридир. Антитаналар организмга бегона ўсма элементларини (антигенларни) танийди ва уларни зарарсизлантиради. Иммуногистохимёда маълум ўсма оксилларига этикетли антитаналарни ўз ичига олган реагентлар қўлланилади. Иммун реакциясининг пайдо бўлиши билан патологик агентларнинг мавжудлигини баҳолаш мумкин. ИГК таҳлили Г.К. Ботиралиева бошчилигидаги РИОРИАТМТШФ базасидаги IPSUM pathology да ўтказилган.

Диссертациянинг **“Вазифалар бўйича тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобида текширилган барча аёлларнинг клиник-гормонал, генетик, иммуногистохимёвий ва асбобий текширув натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқот объекти сифатида кўкрак беши саратони ва гиперпролактинемия билан боғлиқ бўлган гиперпролактинемия (ГПРЛ) билан касалланган 70 бемор (I асосий гуруҳ) ва гиперпролактинемиясиз кўкрак саратони билан оғриган 30 аёл (II таққослаш гуруҳи) олинган. Биринчи гуруҳдаги 29 ёшдан 65 ёшгача бўлган (асосий гуруҳдаги ўртача ёш $49 \pm 11,7$). II гуруҳда ёши 19 ёшдан 65 ёшгача бўлган (ўртача ёши $45,2 \pm 13,2$ га тенг). I гуруҳ аёлларининг аксарият ҳолатлари 50-59 ёшда (47,14%), II гуруҳ аёллари еса ушбу ёш оралиғида 20% ҳолларда кузатилган, яъни ГПРЛ ва РМЖ билан касалланган аёлларнинг вакили 50 ёшдан 65 ёшгача бўлган даврда юқори бўлган, бу барча ҳолатларнинг 63 %ни ташкил этган. Нормопрولاктинемия билан КБС асосан 49 ёшгача бўлган аёлларда кузатилган (63%). Ўрганилаётган гуруҳларда касалликнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлади: I гуруҳдаги 70 беморда пролактин даражаси мос равишда 96,1 нг/мл дан 532,2 нг/мл гача (целлюляр соҳа $\pm 113,2$) ва 9,4 дан 17,8 нг/мл гача (целлюляр соҳа $\pm 3,66$) ($p < 0,001$).

Хиазмал целлюляр соҳа (ХЦС) МРТ текширувида қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: микроаденома 43 беморда (62%), улардан 27 тасида пролактинома (62,7%), 14 тасида гипофиз аденомаси (32,5%), соматотропинома ва кортикотропинома мос равишда 1 та ҳолатда (2,32%). Бўш турк эгари синдроми - 15 (21,4%) ва 12 (17,4%) гипофиз патологиялари аниқланмаган ва неопластик сабабларга кўра ГПРЛ юзага келган.

Ўрганилаётган беморларнинг клиник кўриниши қуйидаги аломатлардан иборат эди: барча кузатувларнинг 100 %да I гуруҳ беморларида кўкракдан ажралма қуйидагича тавсифланган: 22 (31,4%) да сут, 28 (40%) оғиз сути, 10 (14,2%) да қонли ажралма ва 10 (14,2%) беморда аралаш вариант. Оғриқ ёки масталгия муҳим аломатлардан бири бўлиб, касалликнинг кечишини фарқлашга имкон берган. Масалан, КБС ва ГПРЛ билан оғриган аёлларда сут безларида оғриқ 64 беморда (91,4%), таққослаш гуруҳидаги 10 беморда (33,3%) учрайган. Шу билан бирга, оғриқ тарқалган, тўмтоқ характерга эга эди, беморни пальпация қилишда улар алоҳида сезгирликни қайд этмадилар. Аммо нормопрولاктинемия

билан оғриган аёлларда оғриқ 3 баравар кам бўлса-да, улар кескин, ўткир, сўрғичларга ва қўлтиқ ости соҳасига иррадиацияланган. Беморлар кўпинча кўкрагига тегишига йўл қўймадилар. Улар касаллигининг ўзига хос белгиси, шунингдек, қисқа вақт ичида сут безларининг шишиши ва ҳажмининг 1-2 ўлчамга кўпайиши эди, бу эса беморларни бошидан ташвишга солди. Шунинг таъкидлаш керакки, сут безларининг шишиши I гуруҳ аёлларида 64,28% га нисбатан 53,3% (16 ҳолат) устунлик қилган бўлса - да, у ҳар доим ҳам сўрғичнинг тортилиши сифатида КБСнинг “хос” белгилари билан мос келмаган - 32 беморда (22,4%) қарши 19 (63,3%), апельсин пўстлоғи 34 (48,5%) ва 18 (60%), 23 (32,8 %) ва 12 (40%) да кўкрак қизариши каби намоён бўлган. Яъни, клиник кўриниш босқичида аллақачон гиперпролактинемия мавжудлиги касалликнинг йўқ қилинишига ёрдам берди, бу эса эрта, ўз вақтида ташхисни ёмонлаштирди. Ва ниҳоят, қўлтиқ ости лимфа тугунларининг шишиши I ва II гуруҳларда мос равишда 29 (41,4%) ва 12 (40%) да кузатилди. I гуруҳдаги беморларда масталгия сезиларли даражада тез-тез учради, II гуруҳда эса классик КБС белгилари (кўкрак беzi, сўрғич шишиши, апельсин қобиғи ва қизариш) устунлик қилди, яъни уларнинг белгилари аниқ ва ёрқин эди. КБС гиперпролактинемик ассоциациясида бу белгилар текисланди.

Кейинчалик гистологик мансубликни ўрганиб чиқилган, 95% ишонч оралиғи билан коэффициентлар нисбати, шунингдек р-аҳамияти тасвирланган.

КБС гистологик субтипларининг пайдо бўлиш частотасини таҳлил қилиш инвазив канал саратонининг 14%, аденокарцинома, *in situ* лобуляр саратон ва медуллар саратонининг 12% ни аниқлади. Аммо пролактин даражасини ҳисобга олган ҳолда алоҳида таҳлил шунинг кўрсатдики, гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда саратоннинг инвазив ва агрессив шакллари энг кўп учрайди - инвазив протокол саратони 18,6% аденокарцинома 15,7% ва медуллар саратони 14,3%, нормопрولاктинемияда эса бу КБС шакллари сезиларли даражада кам учрайди-3,3%, 3,3% ва 6,7% шунга кўра, аммо уларнинг аксарият ҳолатлари нисбатан яхши гистотипларга тўғри келди – *in situ* интрадуктал саратон, *in situ* лобуляр саратон ва папилляр саратон, мос равишда 23,3%, 26,7% ва 23,3%.

Кейинчалик, биз пролактинни ҳисобга олган ҳолда КБС молекуляр мансублигининг тарқалиш хусусиятини таҳлил қилдик. Маҳаллий ва халқаро тавсияларга кўра, кўкрак беzi саратони учун терапияни танлаш ва оқибатни аниқлаш ҳозирда ўсманинг биологик хусусиятлари билан белгиланади ва унинг молекуляр кичик турларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, улар орасида люминал А тури, люминал В тури (Her2 - салбий), люминал В тури (Her2 - мусбат), Her2 - мусбат ва базалга ўхшаш (уч марта салбий) ўсмалар. КБСнинг молекуляр кичик турини аниқлаш учун иммуногистокимёвий усул қўлланилган, унинг ёрдамида асосий ўсма тугунлари ва метастатик ўчоқларда эстроген ва прогестерон рецепторларининг сиртки экспрессияси, эпидермал ўсиш омили Her2/neu рецепторлари ҳолати ва Ki67 хужайра пролиферацияси белгиси баҳоланган.

Тадқиқотнинг I ва II гуруҳларда уч марта салбий саратон тарқалишининг сезиларли фарқи аниқланган, бу мос равишда 32,9% га нисбатан 3,3% ни

ташқил этган. Шунингдек, люминал В HER+ турида жуда катта фарқ кузатилган. Биринчи гуруҳда у 3,3% га нисбатан 20% ни ташқил этган, Нолюминал турга келсак, натижалар I гуруҳда 14,3% ва II гуруҳда 3,3% га тўғри келган. Энг катта фарқ люминал А турида аниқланган. Шундай қилиб, нормопролактинемия шароитида КБСда натижа мос равишда 32% га нисбатан 14,3% ни ташқил этган. Қуйида кўкрак беzi саратонининг молекуляр турларининг пролактин даражаси билан бирикиш жадвали келтирилган.

2-жадвал

Нормо-ва гиперпролактинемияда КБС молекуляр алоқаси

№	Кўрсаткичлар	Гиперпролактинемия (n=70)		Нормопролактинемия (n=30)		Жами n (%)	-R Пирсона -нисбий хавф; 95% ишончлилик оралиғи -p-value
		n	%	n	%		
1.	Уч карра салбий тип	23	32,9	1	3,3	24 (24%)	0,74 13,0 3,3-15,9 <0,001
2	Люминал В her/neu -	13	18,6	5	16,7	17 (17%)	0,33 4,9 1,38-17,8 0,01
3.	Люминал В her/neu +	14	20	1	3,3	15 (15%)	0,5 15,3 3,0-21,1 <0,001
4.	Люминал бўлмаган тип	10	14,3	1	3,3	11 (11%)	0,4 4,0 1,7-12,2 0,003
5.	Люминал А тип	10	14,3	22	73,3	32 (32%)	-0,401 0,1 0,06-0,55 0,002
Жами:		70	100	30	100*	100(100%)	

ПРЛ даражасининг КБС нинг асосий хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини батафсилроқ тавсифлаш учун молекуляр турни шаклланиш ҳажми, гистологик тури, беморнинг ёши, шунингдек кўкрак беzi саратони босқичлари билан боғлайдиган таҳлил ўтказилган.

Таҳлил натижалари беморларнинг иккала гуруҳида барча тўрт босқичли беморларни тақсимлашда сезиларли фарқ аниқланди. Масалан, биринчи босқичда I гуруҳдаги беморларнинг атиги 5,7 % II гуруҳдаги 23,3 %га ($p<0,001$), II босқичда 7,1 фоизи 73,3 фоизга ($p<0,072$), III босқичда 38,6 фоизи 0 фоизга ($p=0,005$), IV босқичда еса 48,6 фоизи 3,3 фоизга қарши бўлган.% ($p<0,001$). Гиперпролактинемияда касалликнинг кечиши тез ривожланди, яъни

аслида 70 та I гуруҳ беморларидан фақат 9 та аёл (12,8%) касалликнинг дастлабки I ва II босқичларида бўлган. Юқорида айтиб ўтилганидек, ГПРЛ фониди I ва II босқичларда яхши ташхис қўйилмайди ва уларнинг частотаси III ва IV босқичларга эришиш билан кескин ошади, бу мос равишда 38,6% ва 48% ни ташкил қилади. КБСнинг нормопрولاكتинемик вариантлари аксарият ҳолларда (96,6%) касалликнинг I ва II босқичидаги беморлар бўлган.

Аксинча, агар ҳосила ҳажмининг молекуляр кичик тип билан боғлиқлиги кўриб чиқилганда, унда ишончли аҳамиятга бўлмаган бўларди ($p=0,717$), бу эса ҳосила ҳажми КБСнинг молекуляр турига таъсир қилмаслигини кўрсатади.

Бундан ташқари, вазифага мувофиқ, КБСнинг молекуляр кичик типларининг ПРЛ даражасига қараб унинг ўлчамлари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Шу билан бирга, КБС ҳажми TNM AJCC (8-нашр, 2017) таснифига кўра 3 гуруҳга бўлинган: 2 см гача, 2 дан 5 см гача ва 5 см дан ортиқ. ГПРЛ билан оғриган аёлларда кўкрак ўсмаларининг катта ўлчамлари, нормопрولاكتинемияда эса 53% КБС нинг кичикроқ ўлчамлари мавжуд эди.

3-жадвал

